

Имом Бухорий ва Ад-Доримий мажмуаларида қурилиш ишлари якунлангач, сайёҳлар сони ортиши кутилмоқда



13:39 / 13.09.2023 904

Жорий йилнинг январь-июнь ойларида Самарқанд вилоятига 2 миллион 546 нафар маҳаллий, 1 миллион 106 минг нафар хорижий сайёҳ ташриф буюрди. Йил охиригача 2,1 миллион хорижий ва 4,5 миллион маҳаллий сайёҳни жалб этиш, туризм хизматлари экспортини 312 миллион долларга етказиш режалаштирилган.

Вилоят маданият ва туризм бошқармаси ахборот хизмати хабарига кўра, хорижлик сайёҳларнинг Самарқанд шаҳрида бўлиш муддати ўртача 2,7 кунни ташкил этади. Ҳар бир чет эллик сайёҳ кунига ўртача 85-250 доллар сарфлайди. Айти пайтда вилоятда 15 минг 606 ўринли 570 меҳмонхона сайёҳларга хизмат кўрсатмоқда.

2023 йилда туризм ва тегишли хизматлар соҳасида умумий қиймати 5,9 трлн. сўм бўлган 180 та лойиҳа ишга туширилади ва 5,5 минг янги иш ўрни яратилди.

Жумладан, 55 та жойлаштириш объекти, 41 та дам олиш ва кўнгилочар маскан, 45 та умумий овқатланиш шаҳобчаси қурилади, шунингдек, 39 та туризм лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган.

2023-2024 йилларда туризмни ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилади, унга кўра Самарқанд туризм маркази имкониятларидан фойдаланган ҳолда бу ерда 50 дан ортиқ халқаро тадбирлар ўтказилади. «Самарқанд Буллетин» нашрининг ёзишича, Имом Бухорий ва Ад-Доримий мажмуаларида қурилиш ишлари якунлангач, сайёҳлар сони ортиши кутилмоқда. Ургут, Пайариқ ва Самарқанд вилоятлари маҳаллаларида ҳам туристларга хизмат кўрсатиш йўлга қўйилади.

«Музей майдони» тадбирларини ташкил этиш орқали бой маданий меросни намоиш этиш ҳам режалаштирилган.